

ХУҚУҚИЙ КОММУНИКАЦИЯ ШАКЛЛАРИ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



Мухаббат САЛИЕВА
филология фанлари номзоди
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
mahabbat2962@mail.ru

Аннотация

Мақолада давлат ва жамият тараққиётида демократик ривожланиш жараёнлари, ҳамда адолатли бошқарувни жорий қилиш ва тушунтириш, ҳуқуқий тарғибот тартиби билан шуғулланадиган шахсларга баҳо бериш, қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш муҳим масала эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

В статье автор исследует демократические процессы развития в эволюции общества и государства, а также объясняет понятие справедливость в государственном управлении через деятельность людей, чья работа связана с правовой пропагандой, при этом широко освещает значимость и сущность законов.

Abstract

In this article the researcher studied the democratic developmental processes in the evolution of a society and a state, explaining and realising of justice in state governance, measuring the activity of persons whose work is connected to the order of legal propaganda, showing the role of widely propagation of data about significance and essence of laws.

Калит сўзлар: демократик, коммуникация, маъмурий, анъана, салтанат, модернизация, хавфсизлик, самарадорлик, ислоҳот.

Ключевые слова: демократический, коммуникация, административный, традиция, султанат, модернизация, безопасность, эффективность, реформирование.

Keywords: democratic, communication, administrative, tradition, sultanate (reign), modernisation, safety, effectiveness, reform.

*“Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти,
Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам
бўлмаслигидир”.*

(И.А. Каримов)

Давлат ва жамият шаклланишида қайси бир ташкилий тузилма кўпроқ аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гап кетганда, албатта биринчи ўринда давлат бошқаруви тилга олинади. Ушбу масала юзасидан манбаларга мурожаат қилинганда, адолатли бошқарувни жорий қилиш ва тушунтириш, ҳуқуқий тарғибот тартиби билан шуғулланадиган шахсларга баҳо бериш, ҳамда қонунларнинг мазмуни ва аҳамияти тўғрисидаги маълумотларни оммага етказиш муҳим масала ҳисобланади. Юнон файласуфи Афлотун “Қонунлар” номли китобида “ҳукумат мансабларига интилаётган шахслар, ўзларининг ҳам насл-насабларининг ҳам болаликдан бошлаб то сайланиш вақтларигача қилган эзгу ишларига етарлича далиллар тақдим этсинлар. Ўз навбатида бўлғуси сайловчилар ҳам қонунлар руҳияти бўйича яхши тарбияланган бўлишлари зарур, токи, танбеҳ ёки маъқуллаш йўли билан ҳар бир сайланувчини кўрсатган хизматига кўра, ё сайласинлар ёхуд рад этсинлар,” – деб ёзади(2, 33). Бунда ҳукумат мансабларга сайланаётган номзоднинг насли-насаби, билими, ақл-заковати, у номзодликка муносиб ёки муносиб эмаслиги, қилган ишларини ҳам ҳисобга олиш назарда тутилмоқда. Инсоният адолатли қонунларга бўйсунуши ва айнан ўша адолатли қонунлар уни ўз ҳимоясига олмоғи лозим. Тарихий ҳақиқатга кўра, дунёда мутлақ адолатли бўлиш осон эмас, амалда бунинг иложи йўқ. Аммо бундан икки ярим минг йиллар аввал яшаб ўтган машҳур файласуф Афлотун ўзининг “Қонунлар” номли асарида бу саволларга жавоб беришга интилганлигини кўраимиз. Манбаларни ўрганиш жараёнида давлат раҳбарлари бошқарувда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий оммавий коммуникация шаклларида нечоғли самарали фойдаланганлигининг аҳамиятини кўриш мумкин.

“Қонунчилик – буюк иш. Аммо яхши тартибот берилган давлат, яхши ўрнатилган қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни қўядиган бўлса, у ҳолда бу қонунлар ҳеч қандай фойда келтирмайдилар ва анча кулгили ҳолат юзага келади; янада ёмонроғи, давлат учун у жуда улкан зарар келтиради ва уни ҳалокатга олиб боради”(2,161; 3,161). Шу ўринда айтиш жоизки, давлат бошқарувига алоқадор турли асарларда ҳуқуқий тартиботлар, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқ этикаси тўғрисидаги маълумотларни учратамиз. Бундан кўринадики, инсоният асрлар давомида халқнинг эркинлиги, жамиятнинг тинчлиги ва турли шароитларда инсонни ҳимоя қилиб турувчи қонунлар яратган ва бу қонунлар билан қандай кишилар ишлашлари мумкинлигини ҳам долзарб муаммо сифатида қонунлар таркибига киритган.

Афлотун “Қонунлар” номли китобида намунавий (идеал) давлатни ташкил этиш ва унинг ободончилигига таъсир этадиган икки жиҳатни

кўрсатади. Биринчиси, мансаблар ва мансабдорларни тайинлаш, яъни, уларнинг сони (миқдори) ва мансабга қўйиш усулини аниқлаш; иккинчиси, ҳар бир мансаб қандай қонунлар бўйича иш олиб боришини белгилаш ва бу қонунларнинг сони ва сифатини аниқлаш. Бундан кўринадики, ўша даврларда ҳам ҳозирги кундаги сингари бу борада танловлар ўтказилган. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” асарида “соҳиби қонун биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан, фармон беришни билиши зарур. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий этолмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди”, – дея таъкидлайди(4, 20). Демак, маъмурий бошқарувнинг муҳим вазифаларидан бири – қонунни тайёрлаш ва улар ёрдамида давлат бошқарувини таъминлашдир. Қонун чиқарувчи шу қонунларга амал қилиши зарур, акс ҳолда, Форобий айтганидек, унинг сўзлари қўли остидагиларга таъсир этмайди. Соҳиби қонун тарихий анъаналарни, фалсафа, ҳуқуқ ҳақидаги асарларни ўрганиб, қонун чиқаришни уйдлаши ва фармон бериш санъатини ўзлаштирмоғи шарт бўлган. Бундан кўринадики, барча даврларда қонуншуносларни тайёрлаш, ҳуқуқий масалаларни мукамал ўрганишда ўзига хос тизим қўлланган. Форобийнинг ёзишича, “Афлотун соҳиби қонунга мурожаат этиб, агар соҳиби қонун ёшлигидан бошлаб давлат ишлари бўйича фойдали машқлар қилиб юришга, давлат ишларининг тўғри ва нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритишга ўрганган бўлса, у ҳолда вақти-вақти билан ўзи қонун устидан назорат ўрнатиши, ҳамда авваллари шуғулланган ва ҳозир ҳам давом эттираётган машғулотларига сабот ва қунт билан қарши зарурлигини тушунтиради” (5, 36). Форобий ўз асарида Афлотун, Евклид, Птолемей, Порфирий каби олимларнинг қўлёзмаларидан фойдаланар экан, уларнинг айрим қисмлари ривожлантирилиб, шарҳланиб, тушунарли баён этган. Бошқа бир жойда муаллиф “ҳокимлар ўртасида табиий тартибни ўрната олмаган қонун чиқарувчи кўп ўтмай масхара бўлади ва ниҳоят, унинг ишлари тушунарсиз бўлиб, чиқарган қонун, ҳамда у билан шаҳарнинг ўзи ҳам инқирозга юз тутиши мумкин”, – деб ёзади(6, 36). Асарда давлат бошқарувида ҳокимлар фаолиятига ҳам эътибор берилганлиги ва ушбу меъёрлар оммавий боғланишлар ёрдамида кенг тарғиб этилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Давлат бошқарувининг ҳар хил усуллари ва улар ҳақидаги маълумотларни оммага етказиш зарурлиги юзасидан айтилган фикрлар асарда баён этилган манбаларга ҳамоҳанг тарзда ривожланиб боради. Масалан у шундай баён этилади: “Фозиллар шахрининг бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн

иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Авваломбор, фозиллар шахри ҳокими аввало тўрт мучаси соғ-сўлим бўлиб, ўзига юкланган фазилатларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон халал бермаслиги лозим. Аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши керак. Иккинчидан, ҳоким табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. Учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларини хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур. Тўртинчидан, у зехни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинемас аломатларини ва у аломатлари нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур. Бешинчидан, ўз фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида чиройли сўзлар билан ифодалаши зарур. Олтинчидан, устозлардан таълим олишга, билим-маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш-ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур. Еттинчидан, таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бўлмаслиги, аксинча, ўзини идора қила олиш қобилиятига эга бўлиши (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. Саккизинчидан, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур. (У ўз кадрини билувчи ва номусли, ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ ишларга интилиши зарур. Ўнинчидан, бу дунё молларига динор ва дирҳамларга қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур. Ўн биринчидан, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, биринчи бўлиб адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни бошқаларга ҳам раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга йўл қўймаслиги зарур. Мана шу барча хислатларнинг бир одамда жамланиши амримаҳол, зеро бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир. Мабодо фозиллар шахрида баркамол инсон топилиб қолса, унда юқоридаги фазилатлардан олтитаси, ёки бештаси камол топганида ҳам, у ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади”(7, 41). Муаллиф соҳиби қонуннинг хислатларини санар экан, ўн иккита хислатга эга бўлиши зарурлигини айтади, яна ўзи бунга фикр

билдирадигани, талаб қилинаётган ўн иккита фазилатнинг бир кишида жамланиши амри маҳол экан. Бу фикрлар ҳамма даврлар учун ҳам долзарблигини йўқотмайди.

Абу Наср Форобий катта илмий ва амалий тажрибани умумлаштирган, кенг миқёсдаги ахлоқий ва ҳуқуқий масалаларни ўртага ташлаган ҳолда, эътиборини биринчи ўринда қонун ижросига қаратади. Муаллифнинг таъкидлашича, “соҳиби қонун мамлакат аҳолисини бошқарув силсиласидаги қонунларга риоя қилишларини ва бўйсунушларини таъминлай олсагина, аъло даражадаги давлат тузуми бўлиши мумкин”. Қонунга риоя қилиш, энг аввало, унинг борлиги ва ундан кўпчилик хабардор бўлишига боғлиқ, бу эса тарғибот-ташвиқотга, яъни, коммуникация тизимининг қандай ташкил этилганлигига боғлиқдир. Қачонки қонунлар яратилса, уларга риоя қилиш таъминланса, давлат ва жамият ўртасида ҳуқуқий маданият шаклланади. Марказий Осиё худудида катта бир империяни бошқарган соҳибқирон номини олган, ҳуқуқий тадбирлари билан бутун жаҳонга танилган, буюк сиймо Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида “Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият, ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмадим”, – дейди(8, 69). Соҳибқироннинг мамлакатни бошқариш сиёсати жуда самарали бўлган ва у “Куч адолатдадир” шиори остида ўз ғояларини амалга оширган. Салтанатни мустаҳкамлашда тузукка катта эътибор берилиб, оммавий ахборотдан унумли фойдаланилган. У тузукларида “доно вазир шулки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чора- тадбирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради”, – дея хитоб қилади (9, 91).

Жамиятда яшайдиган одамларнинг ўзаро муносабатлари доимо мураккаб бўлиб келган. Чунки, ҳар бир одам одатда ўз манфаатини, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Маълумки, бундай пайтда бир одамнинг ҳуқуқлари иккинчи одамнинг ҳуқуқлари билан чегараланади. Яъни, ҳуқуқлар тенглиги уларнинг чегараси борлигини англатади. Шунинг учун қонун-қоидаларсиз инсон жамиятда яшай олмайди. Ҳар бир киши ўз манфаатини ҳимоя этган жойда қонун барчанинг манфаатини ҳимоя қилади ва шу аснода маълум шахсларнинг ҳаракатларини чегаралаши мумкин. Бир фуқаронинг қизиқишлари, ҳаракатлари бошқа кишиларнинг ҳуқуқларига зарар етказмаслиги керак, деган фикрлар мавжуд. Қонун фуқаролар

хуқуқларини ҳимоя қилади, уларнинг бир-бирларига адолатли тарзда бўлишини таъминлайди. Шунинг боис жамият учун ҳар доим кучли қонунлар зарур бўлган.

Шундай қилиб, раҳбарнинг буйруғи ижроси зарурати маълумотни кўпчиликка етказиш хусусияти туфайли оммавий алоқаларнинг муҳим тури ҳисобланади. Шу ўринда мамлакатимизнинг биринчи президенти Ислоҳ Каримов ўзининг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли асарида куйидаги фикрларни билдиради: “Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади” (10, 6). Қонунларнинг халқчиллиги, содда тилда тушунтирилиши билан бирга тарбиявий огоҳликка чорлай олий хусусияти ҳам муҳимлиги таъкидланади. “Халқнинг ишончини қозониб, катта ваколатга эга бўлишни истаган одам бошқалардан кўра чуқурроқ ўйлаши, узоқни кўра билиши керак, шундай одамлар бўладики, улар билан танишиб, мулоқотда бўлганда, уларни яқиндан таниганда иқроқ бўласизки, у инсоннинг салоҳияти анча баланд, ўқимишли, ақлли, энг муҳими, тажрибали бўлиб, кўп нарсани чуқурроқ билади, узоқроқни кўради”, – деган фикрларида ҳақиқий замонавий раҳбарга қўйиладиган талаблар мезонини кўриш мумкин (11, 211). Давлат бошқарувининг катта қийинчиликларида тобланган раҳбарнинг бундай сўзлари замирида, халқ манфаатлари учун куйиб-ёниб яшаган ҳукмдор қиёфасини кўрамиз. “Замонавий раҳбар доимо олдинга интилиб яшаши керак”, (12, 10) – ўзбек халқининг “Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг унга амал бериб кўр” – деган пурҳикмат сўзлари фикримизни исботлайди (13, 208). Олий мақсадлар йўлида шахдам қадамлар билан давлат бошқарувида донолик заруратини кўрсатган доно йўлбошчининг сўзлари долзарблигини ҳеч замонда йўқотмайди.

“Раҳбарман, етакчиман деган инсон, аввало, ўз олдига, халқим эртага бировнинг қўлига қарам бўлиб қолмаслиги учун мен ўзим нима иш қилдим, бугун қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқдаман, деб савол қўйиши ва шу саволга жавоб топиши керак”, – дейди И.Каримов (14, 207). Шунингдек, “раҳбарга хос бўлган фазилатлардан яна бири шуки, ўзини ўйламасдан, авваламбор ўзига ишонган халқнинг дарду ғамини, унинг тақдири, эртанги кунини ўйлаб яшаши лозим ва кейинги фикр шуки, синовдан ўтган одамларни раҳбар қилиб сайлаш зарур. Нега деганда, бу дунёда катта ақл-заковат билан бирга, кўпни кўрган, узоқни кўзлайдиган, иродаси мустаҳкам,

керак бўлса, турли-турли мураккаб синовлардан ўтган одамларни биз ўзимизга раҳбар қилиб тайинлашимиз керак”, – деган фикрларида раҳбар ходим учун ақл-заковат билан бирга тажриба ва ирода ҳам нечоғлик муҳим эканлиги таъкидланади (15, 207).

Давлатни самарали бошқариш учун тўғри ва аниқ ахборотдан фойдаланиш қаттиқ талаб қилинади. Қонунчилик тизимининг етакчи вазифаси – ҳуқуқий меъёрларни халққа тушунтиришдан иборат, яъни, самарали оммавий ҳуқуқий коммуникация жараёнлари ривожлантирилган ҳолда, қонун – энг аввало, маънавий, тарбиявий, ахлоқий кучга эга бўлиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, айтилган даъво дунёда ва Ўзбекистонда жорий этилган ҳуқуқий тизим узоқ асрлар давомида шаклланган. Ўзбекистон демократик давлат сифатида ривожланаётган бир даврда ўзига хос ва ўзига мос менталитети қонунларида акс этиши, улар давр талабига кўра ўзгартириш ва қўшимчалар билан янгиланиб бориши, давлат раҳбарларининг халқ билан мулоқоти, ижтимоий ишлаб чиқариш стратегияларининг мустаҳкамлиги, нодавлат ташкилотларнинг катта имкониятларга эга эканлиги, эркин фаолиятлари замирида ривожланиб бораётганлиги, ишлаб чиқаришда сиёсий билимларининг чуқурлигини амалиётда намоён этиётганлиги билан давлат бошқаруви халқнинг ишончи, эътибори ва ҳурматига сазовор. Давлат ва жамият, илм-фан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий юксалишларда қонун устуворлиги, қонунларнинг мақсади инсон манфаатлари ва кадриятларини кадрлашга хизмат қилиши билан эътиборлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Афлотун. Қонунлар. Таржимон Урфон Отажон. Т.: “Янги аср авлоди” 2008. 161-бет.
2. Амир Темур. Темур Тузуклари. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети”. 1996. – Б. 69.
3. И.А. Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: “Адолат”. 2011.
4. И.А. Каримовнинг Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.304 б.
5. И.А. Каримовнинг Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. - 367 б.
6. Ш.М. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 16.02.2017 ЎЗА хабаридан.
7. Мирзиёев Ш.М.Эркин ва Фаравон демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали

- маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, – 2016. – 51 б. Расмий нашр.
8. МирзиёевШ.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 48 б.
9. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашрети, 1993. – Б. 20.